

Маккада тушган, 25 оятдан иборат

Мазкур сура номи биринчи оятдаги «ёрилиш» маъносидаги «иншикок» сўзидан олинган. Сура аввалида киёмат койим бўлган куни само ёрилиб, замин эса ёйилиб, теп-текис бўлиб қолиши баён этилгани учун у шундай ном олган. Бошка маккий суралар каби бунда ҳам акийда масалалари, киёмат куни юз берадиган дахшатли воқеалар баён этилади. Сурада инсон зоти дунёга келган вақтидан тортиб ўзи билса-билмаса, хохласа-хохламаса, Парвардигори томонга, яъни дунё ва охират ўртасида ўрнатиб қўйилган ўлим номли кўприк орқали Аллох таолонинг одил ҳисоб-китоби сари интилиб бориши таъкидланади. Сўнгра ўша жазо кунида қандай кишиларнинг ҳисоб-китоби осон бўлиши ва қандай кимсалар мангу азобга йўлиқишлари ҳақида хабар берилади. Сура мушриклар ва Аллохга ишонмайдиганларга танбех бериш ва аламли азоблар билан қўрқитиш, иймон ва солиҳ амалларни жамлаган мўминларга нажот ва туганмас доимий савоблар беришни ваъда қилиш билан яқунланади.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи билан бошлайман.

1. Осмон ёрилганида;

2. Парвардигорига итоат қилган ҳолда.

Киёмат куни ҳам бутун борлик одатдагидай Парвардигорига итоат қилган ҳолда бўлади. Миллиардлаб йиллар мобайнида коинот, осмонлар, Ер, Қуёш ва Ой, юлдузлар Аллох таоло белгилаб қўйган катъий низом асосида ҳаракат қилган, фаолиятда бўлган эди. Аллох ваъда қилган киёмат коим бўлиши билан тинч турган осмон Парвардигорига итоат қилган ҳолда ёрилади.

3. Ер кенгайиб кетганида;

4. ўзидаги ҳамма нарсани чиқариб бўшанганида;

Киёмат куни келганида Ер ўз ўқидан чиқиб-кенгайиб кетади ва бағридаги ҳамма нарсани – ўликлару дафина-хазиналарни ташқарига чиқариб ташлаб, «юки»дан холи бўлиб олади. Куръони Каримда бундай баён этилган: *«Зилзила бўлиб Ер кимирлаганида, ичидагиларни чиқариб ташлаганида ва инсон: «Унга нима бўлди?» деганида, ўша куни ҳамма гапни айтади»* (Залзала, 1-4).

5. Парвардигорига итоат қилган холда.

Ер кенгайиши ва барча нарсани ичидан чиқариб ташлаши ҳам унинг Парвардигорга итоат қилганидандир. Чунки киёматдаги бу ишларнинг ҳаммаси Аллох таолонинг изни-иродаси билан бўлади. Бутун борлик, коинот, осмон жисмлари, инсонлар, жинлар ва фаришталар, яъни барча махлукот ва мавжудот Парвардигор амрига кулок тутган холда Унга итоатда бўлади. Иккинчи ва бешинчи оятлардаги «хуккот» сўзи «фалон ишни қилиши керак» маъносидадир. Осмонлар ҳам, Ер ҳам, бошқа мавжудотлар ҳам хамиша, хатто киёмат куни ҳам Парвардигорига итоатда бўлиши лозим.

6. Эй инсон, Парвардигорингга йўликкунча машаккат-мехнат билан Унга интиласан, Унга, албатта, йўликасан.

Эй инсон, Парвардигорингга йўликадиган кун, яъни киёмат келгунча Аллох азза ва жалла сари интилдинг. Унинг амрларини бажаришга тиришдинг. Унга тоат-ибодатда бўлдинг. Пайгамбари келтирган вахийларга иймон келтирдинг. Хаётингни солих амаллар билан безадинг. Охиратингга тайёргарлик кўрдинг. Буларнинг ҳаммасини киёматда Унга, албатта, йўликишингни билганинг учун қилдинг. Мана энди Парвардигоринг билан, албатта, учрашасан. Унинг олий мукофотларига – жаннатига, жамолига эришасан. Ояти каримадаги «кадхан» сўзи «мехнат қилувчи, тиришувчи» маъносида, инсон умр бўйи Аллох розилиги йўлида мехнат қилса, тиришса, интилса,

кўзлаган максадига, албатта, эришади. Бунга шак-шубха бўлиши мумкин эмас. Куръони Карим бундай огохлантирган: «У кунда барча одам оламлар Парвардигори хузурида тик туради» (Мутоффифин, 6); Абдуллох ибн Амрдан (розиаллоху анху) килинган ривоятда келишича: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ана шу оятни тиловат килиб: «Аллох сизни муддати эллик минг йилга тенг бир Кунда, ўкларни садокка жойлаган каби жамлаб, лекин сизга бокмаган Кунда ахволингиз нима бўлади?» дедилар» (Имом Табароний ривояти).

7. Кимнинг номаи аъмоли ўнг тарафидан берилса;

Вокеа сурасида баён этилганидек, номаи аъмоллари ўнг томонларидан берилган мўминлар саодат эгаларидир, жаннатийлардир. «Номаи аъмол» сўзи «амаллар ёзилган китоб, амалнома» маъносини билдиради. Бандаларнинг номаи аъмоллари – уларнинг тоат ва гунохлари ёзилган китобнинг ва бандалар хисобга тортилишининг ҳақлигига ишониш Ахли суннат вал жамоа акийдасининг бир кисмидир. Киёматда мўминларнинг номаи аъмоллари ўнг томонларидан, кофирларнинг номаи аъмоллари орқа ва чап томонидан берилиши ҳақдир. Куръони Каримда зикр этилишича, кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса, у осон хисоб-китоб килинади ва жаннатдаги ахли-оиласи олдига хурсанд холда кайтади. Кимнинг номаи аъмоли орқа (чап) томонидан берилса, у ўлимига рози бўлади ва дўзахга киради. Хар бир кишининг қилган ишлари унинг икки елкасидаги қотиб фаришталар (кироман қотибийн) томонидан ёзиб борилади. Куръони Каримда бундай мазмунли оят келган: *«Биз Киёмат куни унга очик холда рўбарў бўладиган бир китобни (номаи аъмолини) кўрсатурмиз»* (Исро, 13).

8. Тез ва осон хисобга тортилади;

Амалномалари ўнг томонидан берилганлар тез ва осон хисоб-китоб килинади. Киёмат кунидаги хисоб-китоб шунчалик шиддатли, машаққатли бўладики, хатто Аллохнинг пайгамбарлари аклини шошириб кўяди, билганларини унуттиради. Ана шундай тахликали дамларда номаи аъмоли ўнг кўлидан берилган бахтиёрларга хисоб-китоб осон кўчади.

9. яқинлари олдига хурсанд кайтади.

Бу саодатманд кишилар якинлари, оила аъзолари олдига мамнун холда, Аллох таолонинг розилигига эришган хушнуд кайфиятда боришади. Абу Хурайра (розияллоху анху) Пайгамбар алайхиссаломнинг бундай деганларини ривоят қилади: «Жаннатдаги дарахт сояси бир отлик юз йил юрадиган масофақадир. *«Ўнг томон эгалари ёйилган соядадирлар»* (Воқеа, 30)».

10. Кимнинг номаи аъмоли орқа тарафидан берилса;

Амалномалари чап (орқа) томонидан берилганлар энг бахтсиз кимсалардир. Уларнинг дунё ҳаётида қилган гуноҳ, жиноят ва итотсизликлари қиёмат куни Аллох азза ва жалла томонидан ана шундай аянчли ҳолга гирифторлик билан жазоланади.

11. тезда ўзига ўлимни чакиради;

Номаи аъмоли чап (орқа) тарафидан берилиб, дўзахга кириши аниқ бўлган, ҳеч кимдан ёрдам ололмаган, ҳеч кимнинг шафоатига (васийлигига) муносиб кўрилмаган жинояткор, осий кимсалар аҳволлари танглигидан ўзига ўлим тилаб қолади, «Канийди, ер остига кириб кетсам, анави қуш-хайвонлар қаби тупроққа айланиб кетсам», деб қолишади. Лекин уларнинг илтижоларига ҳеч ким қулоқ солмайди, дод-войларини ҳасратларини ҳеч ким эшитмайди.

12. ва дўзахга қиради.

Энди бу нобакор кимсалар учун биргина йўл қолган: у ҳам бўлса дўзахга кириш, унда абадий қуйиш, ёниш. Чунки бундай оқибатни ўзлари хошлашган, дунё ҳаётида Аллох ва Унинг пайгамбарларига ишонмай, уларнинг даъватига қулоқ солмай, ўзларини бундай жазога муносиб санашган.

13. Чунки у якинлари орасида шод-хуррам ўтганди.

Охиратини совурган кимсанинг дунё хаётида киёмат, хисоб-китоб хакида ўйлашга, бунга тайёргарлик кўришга вақти ҳам, токати ҳам, хохиши ҳам бўлмаганди. Дунё лаззатларига кўмилиб, «озгина берилган умрда маза килиб яшаб кол!» кабилидаги бузук сафсаталарга ишониб гафлатда юраверган эди. Аллохга, Унинг оятларига ишонмагани учун Унинг хузурида хисобга тортилиш, мукофот ёки жазо берилиши, жаннатга ёки дўзахга тушиши кабиларни ҳам афсона, ёлгон санаганди. Аллох ваъда килган киёмат соати келиб, ҳамма ишлар рўёбга чикиб турганида, энди бу шўрликнинг холи не кечади? Энди ким унга ёрдам кўлини чўзади? Минг афсус, энди кеч! Тириклигида иймонга келиши, хидоятга юриши, охирати хакида ўйлаши керак эди.

14. Хеч қачон ортга қайтмайман, деб ўйлаганди.

Бу жохил кимса хеч қачон қайта тирилмайман, ортга қайтмайман, деб ўйлаган эди. Лекин унинг эмас, Парвардигорнинг айтгани бўлади. Аллох таоло ваъда килган киёмат, албатта, коим бўлади: амаллар тарозига кўйилади, мўминлар мукофотланиб, кофирлар жазоланади. Бунинг ҳақлигига ишонмаганлар, буларни ёлгонга чиқариб инкор килганлар бир лахзада дунёдаги энг бахтсиз, икки дунёсидан айрилган нодонларга айланишади. Эй гафлатда юрган инсонлар, ана шундайлар холига тушмаслик учун хали вақт борлигида кўзни очинглар. Аллохнинг ваъдаси ҳақ экани хакида озгина тафаккур килинглар. Охиратга тайёргарлик кўриб қолинглар! Хали тавба эшиклари ёпилмаган, хали хидоят йўллари тўсиксиз, очик, хали даъват овозлари тинганича йўқ, хали занг босган қалбларни поклаш муҳлати ва имконияти бор! *«Каердан билурсиз, эхтимол, киёмат соати яқин келиб қолгандир?!»* (Ахзоб, 63).

15. Холбуки, Парвардигори уни кўриб турарди.

Бундай бахтсиз кимсалар дунё хаётида охирзамон Пайгамбарининг огохлантиришларига қулоқ солмаган, Аллох таолонинг ҳамма ерда хозиру нозирлигини, инсонларнинг ҳар бир қилмишию, яхши-ёмон ишларини кўриб туришини инкор қилишган, бунга ишонишмаган эди. Вахоланки, Аллох таоло уларни Ўз вахийи билан бундай огохлантирган эди: *«(Эй Мухаммад,) харгиз «Аллох золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан беҳабар», деб ўйламанг! Фақат Аллох уларни кўзлар (кўркинчдан) қотиб қоладиган Қунга қолдирмоқда, холос»* (Иброҳим, 42).

16. Шундай! Шафакка касам.

17. Тун ва у коплаганларга касам.

18. Ва тўлин Ойга касам.

Аллох таоло бандалар диққат-эътиборини куйида васф килмокчи бўлган нукталарга тортиш учун хузуридаги эътиборли нарсалардан: Куёш ботаётган чоғдаги шафакка, тунга ва у ўраб оладиган нарсаларга ҳамда тўлишиб-нурлари жамланиб, думалок холатга келган тўлин Ойга касам, деяпти.

19. Хакикатан, сизлар бир холатдан иккинчи холатга ўтасизлар.

Эй инсонлар, хакикатан, киёматда сизлар бир холатдан иккинчи бир холатга ўтасизлар. Ояти каримадаги «тобакон ан табако» жумласи «бир боскичдан кейинги боскич» маъносини англатади. Муфассирлар «тобако»ни «холатлар» деб тафсир килишган. Яъни киёмат куни унинг аломатларидан бўлган холатларга бирма-бир йўликасизлар. Бундан англашиладики, кофир кимсалар Аллох таоло яратган шафак, тун ва унинг зулматига кўмилган нарсалар, кичрайиб-тўлишиб турувчи Ойга ишонади-ю, аммо буларнинг Яратувчисини тан олгиси келмайди, Унга ишонмайди. Аллохнинг яратиш хикматини, Унинг кудратини чегаралашга ким кофирларга ҳуқуқ берди? Ёки хали ҳам улар шафак, тун, Ой каби нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлган, деган бузук сафсаталарга ишониб юришибдимиз? Шундан бепоён борликни, катъий илохий низом асосида беҳато харакатланаётган Коинот тизимини, Еру осмонларни, улардаги барча мавжудотларни яратган Аллох азза ва жаллага инсонларни ўлгандан кейин қайта тирилтириш, уларни ҳисоб-китобга тортиш асло кийин эмас!

20. Нега улар ишонишмайди;

Бундай кимсаларга нима бўлдики, шунча панд-насихатлар, Пайгамбар даъватлари қор қилмаяпти? Чунки қалби кўр, ўзи гўр бу кимсалар гурурлари ва кибрлари, жохилликлари ва фаросатсизликлари туфайли воқелиқдан ўжарларча кўз юмишади. Аллох ва Унинг

оятларига ишонмай, ёлгонга чикаришади. «Охират дунёси хакидаги гаплар афсона» деб безовта дилларига сохта таскин бермокчи бўлишади. Йўк ва яна йўк! Киёмат хак, ўлгандан кейин кайта тирилиш хак! Махшарда тўплишиш, сўралиш, мезон, тарози хак! Жаннат ва дўзах хак! Бунга ишонмаганлар эса икки дунё саодатидан махрум бўлганлардир. «Хали (киёмат куни) кофир кимсалар мусулмон бўлишни истаб колишади» (Хижр, 2).

21. Куръон ўқилганида саждага боришмайди.

Улар хатто Аллох таоло нозил килган Куръон оятларини эшитиб хам саждага боришмайди. Тарихдан маълум, Ислом келган даврда араблар сўз фасохати ва балогатида тенгсиз, хакикий сўз усталари бўлишган. Улар нотикликлари, шоирликлари, сўз ёрдамида ракибларини мот килиш иктидори билан мактанишарди. Макка мушрикларининг ана шундай сўзамолликлари, тиллари бурролиги Куръон оятлари тиловат килинганида уни улуглаб ва хурматлаб сажда килишдан тўсиб колди. Мазхаббошимиз Абу Ханифа тиловат саждаси вожиблигига мана шу оятни далил-хужжат килганлар ва сажда оятларини эшитиб саждага бормаганларни каттик койиганлар.

22. Балки кофирлар уни ёлгонга чикаришар?!

Кофир ва мушриклар чин хакикат эканини билатуриб хам Аллох таоло вахдонияти, кайта тирилиш, савоб ва гунох каби нарсалар хаклигини ўзида мужассам этган китобни, яъни Куръони Каримни инкор килишяптими ва ёлгонга чикаришяптими? Уларнинг бундай килмишлари ё Расулulloхга (соллаллоху алайхи васаллам) хасадлари, ичикораликлари ёки бойлик, мансаб, мартаба каби манфаатлар кўлдан кетишидан кўркканликлари, ёхуд ота-боболарига таклидлари ўта кучлилиги, ё ўзларининг ўта кайсар ва мутакаббир эканлари туфайлидир.

23. Аллох нимани яшираётганларини яхши билади.

Лекин Аллох таоло уларнинг барча килмишлари, дилларида нималарни яшириб, устларида нима килаётгани ёки гапираётгани, мусулмонларга килаётган барча жабр-ситамларини – хаммасини яхши кўриб-билиб турибди. Улар жинойтларимизни хеч

ким кўрмаяпти, демак, хеч ким бунинг учун жазо бера олмайди, деб ўйлаб хомтама бўлишмасин.

24. (Эй Мухаммад,) уларга каттик азоб «хушхабари»ни беринг.

Уларнинг бу фикрлари хакикатдан мутлако йирок. Аллох таолонинг адолати шунчалар улуг ва каттики, У бирор яхшиликни мукофотсиз колдирмайди, бирор кичкина жиноят, зулмни жазосиз колдирмайди. Эй суюкли Пайгамбарим, бундай куфр ва ширк эгаларига киёматда аламли, абадий азоб-кийноklar борлиги хабарини етказинг. Токи дунё хаётидаги ёмонликларига, гунохларига, зулмларига тавба килишсин, Аллохдан магфират сўрашсин. Одатда «хушхабар» сўзи яхши, кувончли хабарларга нисбатан ишлатилади, бу ояти каримада хушхабарнинг кўлланиши кофирларни яна бир бор хорлаш ва масхаралаш учундир.

25. Аммо иймон келтирганлар ва яхши амаллар килганларга туганмас мукофотлар бор.

Аммо, эй Пайгамбарим, «Ла илаха иллаллох» (Аллохдан ўзга илох йўк) деб иймон келтирган, бу калимани калбига мустахам ўрнаштириб олган, бутун хаётини ана шу калиманинг голиб-олий бўлиши учун багишлаган, дунё хаётида солих-яхши амаллар килган саодатманд инсонларга эса охиратда Парвардигорлари хузурида туганмас мукофотлар, жаннатдаги абадий рохат-фарогат, энг асосийси, Аллох таолонинг жамолига етишиш борлиги хушхабарини хам етказинг. Улар Аллох таолонинг мана бу ваъдасини хамиша ёдда тутишсин: *«Чиройли амал килган зотлар учун гўзал окибат ва зиёда (неъматлар) бордир»* (Юнус, 26).